

<https://hstryres.uz/journal/index.php/makro>

2024, № 4 (6)

ISSN-3030-3761



ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
Илмий журнали

ИСТОРИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
Научный журнал

HISTORICAL RESEARCHES
Scientific journal

ТОШКЕНТ-2024

ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ИСТОРИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
HISTORICAL RESEARCHES

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосори:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief editor:

Шакиров Ильяс Рахимзянович
т.ф.ф.д., (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ
EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Академик
Ўзбекистон Миллий университети
Сулейманов Рустам Хамидович тарих
фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Муминов Алишер Гаффарович
Сиёсий фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Зуев Андрей Сергеевич
тарих фанлари доктори, профессор
Новосибирск Давлат университети
Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Холиқулов Ахмад Баймахаматович
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Габриэльян Софья Ивановна тарих
фанлари доктори, доцент *Ўзбекистон*
Миллий университети
Убайдуллаева Барно Машрабжоновна
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Очилдиев Файзулла Бобокулович
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Сиддиков Равшан Бердимуратович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Нарбеков Абдикамил Вафасевич
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Тухтабеков Козимбек Азимбекович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Бабабеков Акбар Давурбаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети
Бахранов Шерзод Таштурсунович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
Жамоат ҳафсизлиги университети
Кандахаров Анваржон Хасанович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Холиқулова Шахноза Боймухамматовна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Навоий Давлат педагогика институти
Нормуродов Дилмурод Рахматуллаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Али Назарова Дилдора Валишеровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети
Тоғаев Жасур Эркинович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Усаров Умид Абдумавлянович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Абдулаева Нигора Санжаровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети
Эгамбердиева Гузаль Акрамжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети
Эшқувватов Бобир Валикул ўғли
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

Контакт редакции журнала
Город Ташкент, улица Мирзо Галиба,
Исторический факультет Национального
Университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека
Web: <https://hstryres.uz/journal/> : E-mail:
I.Shakirov91@mail.ru
Тел: +998900382203

Contact Editors of journal
Tashkent city, street of Mirzo Golib
Faculty of history of the National university of
Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek
Web: <https://hstryres.uz/journal/> : E-mail:
I.Shakirov91@mail.ru
Phone: +998900382203

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1. Абдуллаева Нигора Санжаровна “МУЗЕЙ ВОСТОКА” МУЗЕЙИДА ЎРТА ОСИЁ КОЛЛЕКЦИЯЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ	5
2. Абдуллаева Нигора Санжаровна РОССИЯНИНГ “МУСИҚА МУЗЕЙИ”ДА САҚЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЙ МЕРОСИ НАЪМУНАЛАРИ	17
3. Аннаев Жалолiddин Тухташевич МАРҒИЁНА БУДДАВИЙЛИК ЁДГОРЛИКЛАРИ ВА САНЪАТ НАМУНАЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ	30
4. Азизов Ильдар Рафаэлевич УЧАСТИЕ И КЛЮЧЕВЫЕ АСПЕКТЫ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ УЗБЕКИСТАНА В МЕЖПАРЛАМЕНТСКОЙ АССАМБЛЕЕ СНГ	46
5. Балтабаева Манзура Мирзажановна ГЕНДЕРНАЯ ПОЛИТИКА УЗБЕКИСТАНА: ВОПРОСЫ ЧАСТИЯ ЖЕНЩИН В ГОСУДАРСТВЕННОМ И ОБЩЕСТВЕННОМ УПРАВЛЕНИИ	53
6. Бахронов Шерзод Таштурсунович ИЗ ИСТОРИИ ТОРГОВО-ЭКОНОМИЧЕСКИХ СВЯЗЕЙ ТУРКЕСТАНСКОГО КРАЯ С РОССИЕЙ В КОНЦЕ XIX-НАЧАЛЕ XX ВЕКОВ	65
7. Ишанхуджаева Замира Раимовна ИЗУЧЕНИЕ И СОХРАНЕНИЕ ПАМЯТИ О ВТОРОЙ МИРОВОЙ ВОЙНЕ С ПОМОЩЬЮ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЕКТА И ЦИФРОВОЙ ИСТОРИИ	74
8. Kamolova Muhlis Farhod qizi TURKISTON GENERAL-GUBERNATORI A.V. SAMSONOVNING O‘LKADAGI TA’LIM JARAYONI VA TARIXIY-MADANIY OBYEKTLAGA NISBATAN OLIV BORGAN SIYOSATI (1909-1914 YILLAR)	81
9. Махмудова Нигора Баротовна СОСТОЯНИЕ СЕЛЬСКОГО УПРАВЛЕНИЯ НА НАЧАЛО XX ВЕКА В ТУРКЕСТАНСКОМ ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРСТВЕ (НА ОСНОВЕ МАТЕРИАЛОВ СЕНАТОРА К.К.ПАЛЕНА)	91
10. Мусаев Нуриддин Умирзакович МИРЗАЧЎЛНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА УНИ ЎЗЛАШТИРИЛИШИ ТАРИХИДАН	103
11. Очилдиев Файзулла Бобокулович XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДА БОШЛАНҒИЧ ВА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ	115
12. Raxmanova Mahbuba Shavkat qizi КАТТА О‘РТА ОСИЁ ИҚТИСОДИЙ РАЙОННИНГ ГЕОГРАФИК ВА ИҚТИСОДИЙ ТАВСИФИ ХУСУСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР	124

Аннаев Ж.Т.

т.ф.ф.д. (PhD)., доцент

Ўзбекистон Миллий университети

jaloliddinannaev@gmail.com

МАРҒИЁНА БУДДАВИЙЛИК ЁДГОРЛИКЛАРИ ВА САНЪАТ НАМУНАЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

АННОТАЦИЯ

Марғиёнада буддавийлик қадимги даврда минтақа мафкуравий ҳаётининг муҳим қисмини ташкил этган. Марғиёна ҳудудида, хусусан, Марв каби йирик марказларида олиб борилган археологик изланишлар натижасида буддавийлик монастирлари, ступалар, будда ҳайкаллари, санъат ва қадимги ҳинд ёзуви намуналари қайд этилган. Бу эса, ўз навбатида, Ўрта Осиёда буддавийликнинг тарқалиши ва тараққиёти тарихини тушунишда муҳим аҳамият касб этади. Марғиёнада буддавийликнинг ёйилиши ва у билан боғлиқ ҳолда буддавийлик иншоотларининг барпо этилиши фанга бевосита М.Е. Массон бошчилигидаги ЖТАКЭ (ЮТАКЭ) ходимлари тадқиқотлари натижасида маълум бўлди.

Ушбу мақолада Марғиёна буддавийлик тарихи мавзуси билан шуғулланган М.Е. Массон, Г.А. Пугаченкова, З.И. Усманова, М.И. Филанович, Г.А. Кошеленко, Э.В. Ртвеладзе, М.И. Воробьева-Десятовская ва бошқа бир қатор олимларнинг тадқиқотларига мурожаат этилган. Мақолада ушбу маълумотлар таҳлили асосида ўлкада буддавийликнинг ёйилиши, буддавийлик ёдгорликларининг меъморий тарҳи тузилиши, даврлаштирилиши, буддавийлик мавзусига оид маҳобатли ва мўжаз санъат топилмалари тавсифи, қадимги ҳинд ёзуви намуналари баёни келтирилган.

Калит сўзлар: Марғиёна, Марв, Байрам-Али, ЖТАКЭ (ЮТАКЭ), Гяур-қалъа, монастир, ступа, буддавийлик, маданий алоқалар, кҳароштҳи, браҳма, санскрит, сарвастивада.

КИРИШ

Марғиёна – замонавий Туркменистоннинг жануби-шарқий ҳудудида қадимги ва ўрта асрлар даврида мавжуд бўлган тарихий-маданий ўлка ҳисобланади. Мурғоб дарёси дельтасида шаклланган Марв воҳаси эса Марғиёнанинг марказий қисмини ташкил этган. Марғиёна ғарбда Парфия, шимоли-шарқда Суғд, шарқда Бактрия ва жанубда эса Арейя ёки Ария (Херируд дарёси бўйлаб жойлашган тарихий ўлка (Шимоли-ғарбий

Афғонистон, Ҳирот провинцияси)) билан чегарадош бўлган. Мазкур ўлка “Авесто” да Моуру (Mougu), қадимги юнон манбаларида Μαργιανή, Margianē-Маргиана, қадимги форс манбаларида Marguś-Маргуш, ўрта форс тили манбаларида эса Marv-Марв шаклида тилга олинган [1]. Ушбу ўлка ҳақидаги дастлабки маълумотлар “Авесто” ва “Беҳистун қоятош ёзувлари”да [2], шунингдек, юнон-рим [3], хитой [4], араб-форс [5] муаллифлари асарларида ҳам келтирилган. Унинг қадимги Месопотамия ва Ҳинд водийси оралиғидаги йўллар чорраҳасида жойлашганлиги ҳам Марказий Осиё тарихи ҳамда маданиятида муҳим ўринга эга бўлганлигини кўрсатади. Мазкур ўлка аجدодлар томонидан энеолит даврида, яъни милoddан аввалги IV минг йилликнинг охирларида ўзлаштирилган. Милoddан аввалги III минг йилликнинг охири ва II минг йилликнинг бошларида эса марказий ёдгорлигига эга Келели, Ажикуй, Аучин, Таип, Гонур, Тоголок, Адам-Басан, Тахирбой каби деҳқончилик воҳаларига асос солинади [6]. Ўлканинг кейинги ўзлаштирилиши илк темир даври, яъни милoddан аввалги I минг йилликнинг бошларига тўғри келади (Яз I-III археологик маданиятлари) [7]. Милoddан аввалги I минг йилликнинг ўрталарида воҳа маркази жануб томонга кўчади ва замонавий Байрам-Али шаҳри яқинида қадимги Марв шаҳри шаклланади. Милoddан аввалги VI асрнинг ўрталарида Марғиёна Ахамонийлар империяси таркибига киритилади. Милoddан аввалги IV асрнинг охирларида эса ушбу ўлка Александр Македонский томонидан забт этилади, сўнгра милoddан аввалги IV асрнинг охирларидан токи милoddан аввалги III асрнинг ўрталарига қадар Салавкийлар империяси таркибида бўлади. Милoddан аввалги III асрнинг ўрталарида Юнон-Бактрия давлатининг ташкил топиши натижасида, Марғиёна Парфия давлати таркибига киритилган, милодий I асрнинг иккинчи ярмидан токи милодий III асрга қадар эса маҳаллий сулолалар томонидан бошқарилади. Милодий III асрнинг иккинчи чорагидан милодий VII асрнинг ўрталарига қадар Сосонийлар Эрони давлати таркибига киритилади. VII асрнинг ўрталарида эса араблар томонидан забт этилади. Марғиёнанинг кейинги тақдири бевосита ўрта асрларда Ўрта Осиёда содир бўлган тарихий-маданий жараёнлар билан боғлиқ [8].

Ўтган асрнинг 90-йилларига қадар ва XXI аср бошларида амалга оширилган тадқиқотлар натижаларига кўра, тарихий-маданий ўлка Марғиёнада ҳам буддавийлик таълимотининг кириб келиши ва тарқалиши ҳамда у билан боғлиқ иншоотларнинг барпо этилиши жараёни кузатилган.

ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ НАТИЖАЛАРИ

Марғиёнада буддавийлик ва у билан боғлиқ иншоотларнинг ўрганилиши бевосита XX асрнинг 60-йилларида М.Е. Массон раҳбарлигидаги ЖТАКЭ

(ЮТАКЭ) ходимлари фаолияти билан боғлиқ [9]. 1960-1966 йиллар давомида Эски Марв ҳудудида жойлашган Гяур-қалъа ёдгорлигининг жануби-шарқий бурчагида буддавийлик ступаси [10] ва 1971-1978 йиллар давомида эса сангарамма, яъни буддавийлик монастири [11] қазиб очилган.

Тадқиқотлар натижаларига кўра, мазкур иншоотлар мажмуи археологик адабиётларда шартли равишда Р-9 деб номланган. Амалга оширилган тадқиқотларга кўра, буддавийлик ступаси қадимги даврга оид иншоот устида ва фасад қисми шаҳарга қаратиб барпо этилган. Ступа асоси эса ўлчамлари 42-45x10-12 см бўлган хом ғиштлардан барпо этилган платформа ҳисобланган. Платформа ўлчамлари тадқиқотчилар томонидан манбаларда турлича келтирилган. Г.А. Кошеленкога кўра, 13,3x13 м [12], 12,5x13 м [13] ва баландлиги 3 метрдан [14], З.И. Усмановага кўра, 13,5x13,5 м ва баландлиги 2,6 м [15], Г.А. Пугаченкова ва З.И. Усманова ҳаммуаллифлигида 14x13 м ва баландлиги 3,5 м [16] иборатлиги кўрсатиб ўтилган. Платформа марказида эса гумбазсимон иншоот жойлашган. Маркур иншоотнинг диаметри 10 метрни ва сақланиб қолган баландлиги 1,5 метрни ташкил этган. У, ўз навбатида, лой сувоқ қилинган ва қизил ранг билан безатилган. Ступанинг шимолий тарафида эса унга олиб чиқувчи зина мавжуд бўлган. Зина узунлиги 6,30 метрни ташкил этган. Зиналарнинг ҳар икки томонида, аниқроғи платформанинг шимоли-ғарбий ҳамда шимоли-шарқий бурчакларида қизил ва қора ранглар излари кузатилган иккита устун асослари қайд этилган. Г.А. Пугаченковага таъкидлашча, зина пиллапоялари ганч сувоқ қилинган ва қизил рангга бўялган бўлиб, кенглиги 20-30 см ва баландлиги 10-15 см ни ташкил этган ҳамда ҳашаматли қилиб барпо этилган. Бироқ, улар ступа атрофини айланиш, яъни буддавийлик маросими (прадакшина-патха)ни амалга оширишда платформага чиқиш вазифасини бажармаган [17]. Балки, бу жараён платформанинг шимоли-шарқий бурчагидан унинг шарқий фас қисми томон ўтган тор пандус-йўлак орқали амалга оширилган. Ступанинг юқори қисмида эса карниз ва яримшарсимон шаклдаги скуфья жойлаштирилган бўлиб, унга соябон-чатра (чатратна) ўрнатилган бўлган. Буддавийлик ступасида амалга оширилган тадқиқотлар натижаларига кўра, унинг фаолияти тарихида бешта қурилиш-таъмирлаш босқичлари қайд этилган.

I – босқич. Дастлаб ступа монолит гумбазсимон кўринишдаги иншоот бўлиб, диаметри 4 метрни ва сақланиб қолган баландлиги 1, 40 метрни ташкил этган. Ушбу иншоот, ўз навбатида, ўлчамлари 42-45x10-12 см бўлган хом ғиштлардан барпо этилган ва узунлиги 6,50 м, баландлиги эса 2,50 метр бўлган платформа марказида жойлаштирилган. Гумбазсимон иншоот асосида эса ўлчамлари 32-33x6-7 см бўлган пишиқ ғиштлардан айлана шаклдаги асос (фундамент) излари кузатилган. Шунингдек, платформа асоси бўйлаб 3 метр

кенгликда ўлчамлари 42-45x10-12 см бўлган хом ғиштлардан йўлак ётқизилган. Платформа ғиштлири қаторидан 5 донa Шопур II (307-379 йй.) номидан зарб этилган танга намуналари қайд этилган.

II – босқич. Бу босқичда платформанинг ғарбий фас қисмида таъмирлаш ишлари амалга оширилган. Шунингдек, яроқсиз ҳолатга келган илк ступа таъмирланиб, 40 см қалинликдаги сомон лой сувоқ қилинган. Сўнгра, ўлчамлари 46x20x15 см бўлган бир қатор хом ғишт терилган ва 5 см қалинликда лой сувоқ қилинган. Бу таъмирлаш ишлари натижасида ступа овалсимон кўринишга эга бўлган. Илк ступа платформасидан баландлиги 6 метрни ташкил этган, диаметри эса ўзгаришсиз қолган.

III – босқич. Ушбу босқичда платформада таъмирлаш ишлари амалга оширилади. Натижада, ўлчамлари 45-45x12 ва 46-46x14 см бўлган хом ғиштлардан платформа 1,50 метр баландликка кўтарилади. Платформа марказидаги ступа диаметри 6,40 метрни ва баландлиги эса 1,90 метрни ташкил этган. Ступа ва платформанинг умумий баландлиги эса ушбу босқичда 2,40 метрни ташкил этган. Ступа, ўз навбатида ганч сувоқ қилинган ва яримшар кўринишга эга бўлган. Платформанинг ғарбий қисми бўйлаб эса кенглиги 1,40 метр бўлган йўлак барпо этилган.

IV – босқич. Мазкур босқичда ступа ва унинг платформасида кенг миқёсда қурилиш – таъмирлаш ишлари амалга оширилган. Яроқсиз ҳолатга келган ступа ўрнида цилиндрсимон кўринишга эга янги ступа барпо этилади. Платформа эса гумбазсимон иншоот асосидан 0,8 метрга кўтарилиб, ўлчамлари 14x13 метрни ташкил этади. Платформа шимолий қисмида эса ҳар икки томонида квадратсимон устун асослари қайд этилган зина шаклланади. Платформа ғарбий қисмида эса ступага элтувчи йўлак барпо этилади. Ступа, ўз навбатида, 2-7 см қалинликда лой сувоқ қилинган ва қизил ранг билан безатилган. Мазкур босқичга оид ступа ва унинг платформасида амалга оширилган қазилмалар натижасида ступанинг ғиштлар қаторини тозалаш жараёнида пахта матога ўралган сосонийлар танга намуналари, икки кўзли мис узук, олтин суви юритилган тўпбарггул шаклдаги кўкрак тақинчоқлари, хаома ўсимлиги тасвири қимматбаҳо тош (гемма) ва платформанинг ғарбий қисмида эса оромий хатидаги ёзув туширилган лой тахтача намунаси қайд этилган. Ступанинг цилиндрсимон қисми ва платформа ғиштлири қаторидан, шунингдек, устун асосларини тозалаш жараёнида 14 донa Шопур II (307-379 йй.) ва платформанинг шимоли-ғарбий қисми ҳамда ундан ғарбий қисмда Ковад I (419-479 йй.) номидан зарб этилган танга намуналари қайд этилган.

V – босқич. Ушбу босқичда буддавийлик ступасининг диний иншоот сифатида фаолияти яқунланади. Ступа хароба ҳолатга келади ва тупроқ уюми билан ёпиб юборилади.

Ступа ва унинг платформасида амалга оширилган қазилмалар жараёнида қуйидаги турдаги сопол буюм намуналари ҳам қайд этилган.

Ступа ва унинг платформаси I – босқичга оид сопол буюм намуналарини таг қисми текис цилиндрсимон қадахлар, конуссимон шаклдаги бокаллар, оғиз қисми бир оз ташқарига қайрилган ҳолатда ишланган чуқур косалар намуналари ташкил этган. Бу сопол буюмлар намуналари нозик ишланган бўлиб, сирти оқ ва пушти ангобли қизил-пуштиранг. Бундай турдаги сопол буюм намуналари парфия танга намуналари асосида мил. авв. II-I асрлар билан даврлаштирилган.

Иккинчи гуруҳ сопол буюм намуналарини тор ва кенг бўғизли кўзалар, шунингдек коса ва лаганлар ташкил этган бўлиб, сариқ ва кул ранг ангоб ҳамда ранг билан безатилган ва милодий II-IV асрлар билан даврлаштирилган.

Учинчи гуруҳ сопол буюм намуналарини эса қуйи қисми конуссимон ва таг қисми текис ёки икки тутқичли кенг бўғизли сопол идиш намуналари ташкил этган. Мазкур сопол буюм намуналари кул ранг ёки яшил-кулранг ангоб ҳамда рангга буялган бўлиб, маҳаллий анъаналар асосида тайёрланган. Ушбу сопол идиш намуналари милодий V-VI асрлар билан даврлаштирилган [18].

Г.А. Пугаченкова ва З.И. Усмановалар томонидан илк ступа ва платформанинг барпо этилиши Шопур II тангалари асосида милодий IV асрнинг ўрталари ҳамда кенг қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилган IV – босқич эса Ковад I тангалари асосида милодий V асрнинг охири – VI асрнинг бошлари билан белгиланган. Ступа фаолиятининг тўхташи ва вайрона ҳолатга келиши эса Хусрав Ануширвон ҳукмронлиги даврида, яъни (531-579 йй.) милодий VI асрнинг охири билан даврлаштирилган [19].

Ступадан жанубий тарафда, 4,35 метр масофа узокликда эса буддавийлик иншооти-сангарама жойлашган бўлиб, умумий майдони 140 м² ташкил этган. Иншоотда 32 та хона ва йўлаклар қазиб очилган бўлиб, ушбу иншоот ибодатхона ва монастыр қисмларга ажратилган. Амалга оширилган тадқиқотларга кўра, унинг фаолияти тарихида иккита кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш босқичлари қайд этилган. Иншоотнинг қурилишида асосан ўлчамлари 40-41x9-11 смли хом ғиштлардан фойдаланилган. Пишиқ ғиштлар эса эса асосан пол қисмда, шунингдек, суфа, хоналардаги тоқчалар қаторларида ва деворлар асосида қўлланилган. Иншоот хоналари деворлари оқ рангда сувоқ қилинган ва хоналарга аркали кириш қисми орқали ўтилган.

Дастлаб мазкур иншоот квадратсимон шаклда бўлиб, шарқий қисмида 5 та аркасимон дераза (туйнук)га эга катта хона (№I), 3 та аркасимон кириш қисмига эга квадратсимон хона (№XVIII) ва жанубдан уларга ёндош 5 та

хонадан (№IV, №V, №VI, №VII, №XIX) ташкил топган бўлган. Шартли равишда XVIII рақами билан белгиланган хона поли ўлчамлари 37-40x9-11 см бўлган квадратсимон пишиқ ғиштлар билан терилган бўлиб, полнинг айрим жойларида ганч сувоқ излари кузатилган. Хонанинг шимолий девори бўйлаб худди шу ўлчамдаги ғиштлардан суфа қилинган бўлиб, ўз навбатида, ганч сувоқ ва сирти эса қизил рангга бўялган. Шимолий деворда, суфа баробарида, яъни полдан уч ғишт баландликда ҳайкал қўйиш учун мўлжалланган чуқурлиги 90 см ва қалин ганч сувоқ қилинган токча қазиб очилган. Шунингдек, аниқланган деворий рангтасвир ҳамда оч-сарик ва қизил рангга бўялган сувоқ намуналарига кўра, мазкур хона ҳашаматли қилиб безатилган бўлган. Қазилмалар жараёнида ушбу хонадан лой тахточага туширилган оромий хати асосидаги ёзув ва Хормизд II (мил. 303-309 йй.) номидан зарб этилган иккита мис танга намуналари қайд этилган. Бу даврда шартли равишда №XVIII ва №I деб номланган хоналарни ўзаро боғловчи кириш қисми ёпиб ташланган ва токчага айлантириб юборилган. Натижада №XVIII хонага кириш қисми ғарбий тарафдаги ҳовли ҳамда жануб тарафдаги шартли равишда №XXII деб номланган хона орқали амалга оширилган. Натижада №XVIII хонада токчалар сони иккита етган ва уларда, эҳтимол, будда ҳайкаллари ўрнатилган ва диний маросимлар ўтказиладиган жой вазифасини бажарган бўлиши мумкин. Бунинг далили сифатида XVIII хонадан деворий рангтасвир ва будда ҳайкалининг бўлаклари намуналари учраши келтириб ўтилган. Шартли равишда №I деб номланган хона эса тахминларга кўра, сангарам роҳиблари йиғиладиган хона вазифасини ўтаган бўлиши мумкин. Мазкур хона орқали шартли равишда №XIX ва №IV хоналар билан боғланилган ҳамда шимол тарафга, яъни ступа қисмга ўтиш амалга оширилган. Ступа ва иншоот оралиғидаги худудда эса ўлчамлари 38x40x10; 40x40x10, 39x40x10-11 см бўлган хом ғиштлар тўшалган ва баъзи жойларида эса ғишт ўрнида пахса излари кузатилган. Пахса остида 5-13 см қалинликдаги олов излари кузатилган кул қатлами, унинг остида эса хом ғиштлар қатори қайд этилган. Бу майдондан милодий V-VI асрларга оид сосонийлар тангалари, деворий рангтасвир туширилган сувоқ ҳамда ҳайкал парчалари аниқланган. Шунингдек, майдоннинг айрим қисмларида олов излари ҳам кузатилган.

Сангараманинг тарихида иккинчи йирик қурилиш-таъмирлаш босқичи пухта ишлаб чиқилган режа асосида амалга оширилган. Иншоотнинг марказида ўлчамлари 12,5x11,5 метр бўлган квадратсимон шаклдаги ҳовли ва унинг атрофида эса хоналар жойлашган. Иншоотнинг шимолий қисмидан ступага ўтилган. Жанубий тарафида эса уч томондан йўлаklar билан ўралган ҳашаматли безатилган диний маросимлар ўтказиладиган қисм жойлашган.

Ҳовлидан ғарбий тарафда ибодатхона, шарқий тарафда монастир ва жануби-ғарбий тарафда эса хўжалик қисмлар жойлашган бўлган. Ҳовлига кириш шимол, яъни ступа тарафдан, ундан чиқиш эса ғарбий, ибодатхона ва хўжалик қисмлар орқали амалга оширилган. Сангараманинг монастир қисми шарқий тарафда жойлашган бўлиб, у саккизта турли ўлчамдаги хоналардан ташкил топган. Хоналар деворлари ўлчамлари 0,7 метрдан 1,7 метргача бўлиб, 38-42x38-42x10-12 смли хом ғиштлар, шунингдек пахса блокларидан барпо этилган. Хоналарга ўтиш қисмлари равоқ(свод)ли бўлиб, хоналар деворлари ва пол қисм лой сувоқ қилинган ҳамда деворлари эса оқ рангга бўялган. Хоналар деворларида токчалар ўрни қайд этилган. Ибодатхонада марказий қисмини №XVII квадратсимон хона эгаллаган бўлиб, ҳовлининг жанубий тарафида жойлашган. Хонанинг кириш қисми ступага қараган бўлиб, кенлиги 1,75 метрни ташкил этган. Хонанинг (ўлчамлари 5,8x5,8 м.) марказида баландлиги 25 смли тагкурси қазиб очилган бўлиб, хона девори ва тагкурси оралиғидаги масофа тахминан 1 метрни ташкил этган. Тагкурси деворлари лой сувоқ қилинган. №XVII хонада амалга оширилган шурф ишлари натижасига кўра, хона полидан 2,90 метр чуқурликда милодий II-III асрлар билан даврлаштирилган сопол буюмлар ва баланд бош кийимли ҳайкалча намунаси, шунингдек, илк иншоот излари қайд этилган.

Ибодатхона қисм мажмуанинг ғарбий қисмида жойлашган бўлиб, ташқи деворлари қалинлиги шимолий тарафда 2 м ва ғарбий тарафда 3 м ни ташкил этган. Ибодатхона қисм хоналаридан кўп сонли ҳайкалтарошлик ва деворий рангтасвир намуналари парчалари қайд этилган. Ибодатхонадан жанубий тарафда эса хўжалик қисм билан боғлиқ хоналар жойлашган бўлган. Бу ерда суфа ва ўчоқ излари, хайвон суяклари, шунингдек, хўжалик билан боғлиқ кўп сонли сопол буюм намуналари қайд этилган.

М.Е. Массон раҳбарлигида ЖТАКЭ (ЮТАКЭ) ходимлари томонидан Гяур-қалъанинг жануби-шарқий бурчагида жойлашган буддавийлик ступаси ва монастири (сангхарама)да амалга оширилган қазилмалар жараёнида маҳобатли Будда ҳайкалининг бош қисми, инсон, қуш ва нилуфар тасвири туширилган деворий рангтасвир парчалари, ступа кўринишидаги муқаддас буюм, тасвир туширилган лой тахтачалар, ёзув туширилган сопол бўлак (остракон)лари, рангтасвирли сопол идиш (ваза) ва мўжаз санъат намуналари қайд этилган [20]. Мазкур топилмаларнинг катта қисми эса бевосита буддавийлик мавзусига оиддир.

Тадқиқот натижаларига кўра, буддавийлик санъатининг ёрқин намуналаридан бири бу – ступанинг шимолий қисмида маҳобатли Будда ҳайкалининг бош қисми топилиши. Топилманинг ўлчамлари: баландлиги 75 см ва кенлиги 62 смни ташкил этган. Топилма ўлчамларига кўра, унинг тик

турган ҳолатдаги баландлиги 3-3,5 м ва ўтирган ҳолатдаги баландлиги эса 2,5 м ни ташкил этган бўлиши мумкин. Будда ҳайкалининг бош қисми лой сувок устидан дастлаб пушти, сўнгра сариқ ва тўқ-қизил рангга бўялган. Бу, ўз навбатида, ҳайкал бир неча маротаба қайта таъмирланганлигидан далолат беради. Ҳайкалнинг соч турмаги кўк, лаблари оч-қизил, кўзлари ҳаворанг, қошлари эса жигар ранг билан безатилган. Тадқиқотчиларга кўра, ушбу маҳобатли будда ҳайкали сангхараманинг ибодатхона қисми хоналаридан бирида ёки ступа зинаси яқинида жойлаштирилган бўлган [21].

Яна бир топилма бу - рангтасвирли сопол идиш (ваза) ҳисобланади. Мазкур сопол буюмда буддавийлик қўлёзмалари сақланган ва кейинчалик ступанинг қайта таъмирланиши жараёнида унинг асосига жойлаштирилган [22]. Г.А. Кошеленкога кўра, сопол идишнинг баландлиги 46 см, юқори қисмида шарчалар кўринишидаги бўртик ишланган икки тутқичли ва таг қисми текис, сиртига эса маҳаллий Марв ҳукмдори билан боғлиқ тўрт саҳнадан иборат рангтасвир туширилган. Биринчи саҳнада базм, иккинчи саҳнада ов, учинчи саҳнада ўлим ва мотам, тўртинчи саҳнада эса дафн маросими жараёни тасвирланган. Мазкур рангтасвир намуналари сосонийлар ҳамда Ўрта Осиё санъатига ҳос анъаналар асосида ишланган ва милодий IV-V асрлар билан даврлаштирилган. Мазкур буюмнинг сиртидаги рангтасвир намуналарида буддавийликка ҳос бўлган элементлар кузатилмайди, бироқ унда буддавийлик қўлёзмаларининг сақланиши эса қуйидагича изоҳланган: буддавийлик таълимотига кўра, илк ступалар асосига Будданинг ҳоки қўйилган. Кейинчалик, бу жараён буддавийликка оид муқаддас буюмлар ёки қўлёзмалар билан ўзгартирилган. Буддавийликни қабул қилган маҳаллий аҳоли томонидан буддавийлик анъаналарига қатъий риоя қилинмаган. Улар томонидан буддавийликка оид муқаддас буюмлар ёки қўлёзмаларни сақлашда зардуштийликда оссурий вазифасини ўтаган ҳашаматли ишланган буюмдан фойдаланишган [23]. Мазкур сопол буюм намунаси Г.А. Пугаченковага кўра милодий V-VI асрларга оид ва ундаги саҳналарда буддавийликка раҳнамолик қилган маҳаллий ҳукмдор тасвирланган [24].

Ступа кўринишидаги муқаддас идиш (кути). Баландлиги 62 см бўлиб, гумбаз қисми учзинали асос устида жойлашган. Кути гумбаз қисми оқ ва учзинали асос қисми эса тўлқинсимон нақш билан безатилган бўлиб, у, ўз навбатида, кўк ва қизил рангга бўялган. Асос қисмида ярим айлана шаклидаги тешикча ва ундан юқорида, яъни гумбаз қисмида эса еттита кўзиқорин шаклидаги ўйиқлар туширилган. Гумбаз устида хармика ва унинг устида эса соябон-чатра ўрнатиш учун тешикчали ўйиқ ишланган. Тадқиқотчиларга кўра, муқаддас буюм ичида Будданинг ҳоки сақланган [25].

Ступа яқинидан ўлчамлари 13,2x12,6 см бўлган тасвир туширилган еттита бир хил лой тахтакчалар намуналари ҳам қайд этилган. Лой тахтакча марказида атрофи нилуфар тасвирли айланасимон ўриндикда бодхисаттванинг ўтирган ҳолатдаги сиймоси туширилган. Бодхисаттва роҳиблар ридоси (мантия) ёки кенг кийимда. Ўнг қўлида учи учбурчакли қандайдир буюм ва кичик муқаддас буюм (кути) ушлаб турган ҳолатда. Бошида гуллар билан безатилган тасма ёки бош кийим, қулоғида сирға ва бўйнида эса еттита осилиб турган шокилалли айланасимон шаклдаги тақинчоқ. Боши атрофида ёғду излари кузатилади ва елкаси орқа тарафидан мато тасма тушиб турибди. Ундан ўнг томонда аёл донатор тасвири кузатилган. Чап қўли кўкрак қисмида маросим ишорасида ва ўнг қўлида эса дастали қисқичсимон буюм ушлаб турган ҳолатда. Бошида бош кийим, бўйнида тақинчоқ, қулоғида сирға ва кенг кийимда. Боши атрофида ёғду излари кузатилади. Лой тахтакчанинг чап томонида ступа тасвири кузатилади. Ступа уч қиррали шарсимон кўринишда, ундан юқори қисми икки ярусли ва ундан икки қаторли тасма тушиб турибди. Тасвирлар атрофи бўйлаб ёзув намуналари кузатилган. Мазкур лой тахтакчалардаги тасвирлар қолип асосида туширилган. Г.А. Пугаченкова ва З.И. Усмановаларнинг фикрига кўра, бундай турдаги топилмалар қадимги Ҳиндистондан Шарқий Туркистонга қадар бўлган ҳудудлардаги буддавийлик ёдгорликларида кенг тарқалган. Тасвирли лой тахтакчалар бевосита шу ернинг ўзида тайёрланган бўлса, ундаги ступа тасвири ва ёзув намуналарига кўра, уни тайёрлашда қўлланилган қолиплар бошқа буддавийлик марказларидан келтирилган. Бодхисаттва сиймосида эса эфталитларга хос элементлар кузатилган [26].

XX асрнинг 60-йилларида Гяур қалъа ёдгорлигининг шарқий дарвозасидан жануби-шарқий тарафда, 600 метр масофа узоқликда навбатдаги буддавийлик ступаси ҳаробаси аниқланган. Ступа квадратсимон платформа ва айланасимон гумбаз қисмлардан ташкил топган бўлиб, ўлчамлари 40x40x12 см хом ғиштлардан барпо этилган. Иншоотнинг ўлчамлари: платформа қисм 15,6x15,4 метр бўлиб, гумбаз қисмининг диаметри 11,2 ва сақланиб қолган баландлиги 7,80x7,20 метрни ташкил этган. Ступага кириш қисми унинг шимолий қисмида жойлашган бўлган. Ступадан ғарбий томонда эса қандайдир иншоот ҳаробалари қайд этилган. Тадқиқотлар жараёнида муқаддас буюм (кути) вазифасини бажарган сопол идиш ва ундан тўрт дона Будданинг тасвири туширилган тош ҳайкалчалар, бир дона фил суягидан ишланган ҳайкалча, қадимги ҳинд ёзуви намуналари, Хусрав I Ануширвон (мил. 531-579 йй.) номидан зарб этилган сосоний танга намуналари қайд этилган. Мазкур иншоот Хусрав I Ануширвон тангалари

асосида милодий VI асрнинг ўрталари ёки иккинчи ярми билан даврлаштирилган [27].

Марғиёна буддавийлик ёдгорликларидан аниқланган қадимги ҳинд ёзуви намуналари эса М.И. Воробьева-Десятовская томонидан ўрганилган [28]. Тадқиқотларга кўра, Гяур-қалъанинг жануби-шарқий бурчагидаги буддавийлик ступаси яқинидан аниқланган қадимги ҳинд ёзуви намуналари археологик топилмалар асосида милодий V-VI асрлар билан даврлаштирилган. Ушбу буддавийлик қўлёзма намуналари қайта тикланмаган ва илмий манбаларда баёни келтирилмаган. Шаҳар деворларидан ташқарида жойлашган иккинчи буддавийлик ступаси яқинидан аниқланган қадимги буддавийлик қўлёзмалари эса археологик топилмалар асосида милодий VI-VII, палеографик хусусиятларига кўра, М.И. Воробьева-Десятовская томонидан дастлаб милодий V-VII [29], кейинчалик қайта тадқиқотлар натижасида милодий II-V асрлар билан даврлаштирилган [30].

Ўтган асрнинг 20-90-йиллари давомида ва XXI аср бошларида Ўрта Осиёда аниқланган буддавийлик матнлари куйидаги гуруҳларга ажратилган.

1. Сопол буюмлар сиртига қора сиёҳ воситасида битилган буддавийлик матнлари;

2. Лойдан ишланган (бундай буюмларнинг оловда куйдирилишига қадар) ва мраморсимон оҳактошдан ишланган буюмларга тирнаш ёки ўйиб тушириш воситасида битилган матнлар;

3. Лой тахтача (муҳр)ларга битилган матнлар;

4. Ишлов берилган қайин пўстлоғига қора сиёҳ воситасида битилган матнлар;

5. Олтин ва бошқа заргарлик маҳсулотларига тўғнаш воситасида битилган матнлар [31].

Марғиёна буддавийлик иншоотларидан топилган буддавийлик матнлари эса ишлов берилган қайин пўстлоғи ва лой тахтача (муҳр)ларга битилган матнлар гуруҳини ташкил этади. Ҳозирга қадар ишлов берилган қайин пўстлоғига қора сиёҳ воситасида битилган матнлар Ўзбекистон Республикаси Сурхондарё вилоятининг Ангор туманида жойлашган Зангтепа [32], Туркменистон Республикасининг Марв (Мари) ва Байрам-Али шаҳарлари яқинида [33], Тожикистон Республикасидаги Кофир қалъа [34] ва Қирғизистон Республикасининг Красная Речка аҳоли манзили яқинида жойлашган Краснореченск (Невакет) ёдгорлигида [35] қайд этилган.

М.И. Воробьева-Десятовскаяга кўра, ушбу қўлёзмалар буддавийликнинг сарвастивада мактаби вакилларига тегишли бўлиб, брахма хатида битилган. Топилма ўлчамлари 23,5х8 см бўлган 150 та қўлёзмадан иборат бўлиб, ёзилиш услубига кўра икки асосий гуруҳга ажратилган. Мазкур қўлёзмаларда

роҳибларнинг буддавийлик монастирларидаги ҳаёт тарзи қоидалари битилган [36].

ХУЛОСА

Марғиёна ўзининг бой маданий мероси ва стратегик-географик жойлашуви туфайли қадимги даврларда турли маданиятлар ва динларнинг чорраҳаси бўлиб хизмат қилган. Шу жумладан, буддавийликнинг ушбу ҳудудга таъсири ўзига хос тарихий ва маданий жараёнларни очиб беради. Археологик тадқиқотлар натижасида аниқланган ибодатхоналар, ҳайкаллар ва бошқа санъат намуналари буддавийликнинг Марғиёнада тараққиётини ўрганиш учун муҳим манба ҳисобланади. Марғиёнанинг буддавийлик ёдгорликлари, айниқса, маҳаллий санъат билан ўзаро таъсирда яратилган намуналари орқали ажралиб туради. Бу ҳудуддаги археологик топилмаларда буддавийлик эстетикаси Бақтрия, Гандҳара ва бошқа қўшни маданиятлар услублари билан чуқур уйғунлашганини кўриш мумкин. Ушбу жараён буддавийликнинг маҳаллий анъаналарга мослашувчанлигини ва унинг минтақавий ўзига хослигини кўрсатади.

Буддавийликнинг Марғиёнада тарқалиши нафақат диний ва маданий жиҳатларни, балки савдо йўллари орқали иқтисодий алоқалар ривожига ҳам таъсир қилган. Ҳудудда топилган қадимий буддавийлик монастирлари, ступалар ва ёзувлар буддавийликнинг ушбу минтақада қанчалик чуқур илдиз отганини кўрсатади. Шу билан бирга, буддавийлик орқали келган ғоялар маҳаллий аҳоли маданиятига таъсир кўрсатган, бу эса турли этномаданий жараёнларни тадқиқ этишда муҳим аҳамият касб этади.

Шу боис, Марғиёнанинг буддавийлик ёдгорликларини ўрганиш нафақат тарихий аҳамиятга эга, балки уларни сақлаш ва улар асосида янги тадқиқотлар олиб бориш халқаро даражадаги илмий вазифалардан бири ҳисобланади. Марғиёнанинг буддавийликга оид меросини янада чуқурроқ ўрганиш бу ҳудуднинг Ўрта Осиё маданий тарихидаги ўрнини янада ёритиб беради.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Усманова З.И., Филанович М.И., Кошеленко Г.А. Маргиана. // Древнейшие государства Кавказа и Средней Азии. – М.: Наука, 1985. – С. 226.; Лившиц В.А. Письменные памятники из древнего Мерва // Мерв в древней и средневековой истории востока. – Ашхабад: Ёлим, 1990. – С. 34.; Сарианиди В.И. Маргуш. Тайна и правда великой культуры. – Ашхабад: Turkmen döwlethabarlary, 2008. – С. 18.

2. Жуковский В.А. Древности Закаспийского края. Развалины Старого Мерва. – СПб.: Тип. Глав. Управления Уделов, 1894. – С. 3–4.; Дандамаев М.А. Иран при первых Ахеменидах (VI в. до н.э.). – М.: ИВЛ, 1963. – С. 266.; Массон В.М. Страна тысячи городов. – М.: Наука. ГРВЛ, 1966. – С. 25.; Гаибов В.А., Кошеленко Г.А., Требелева Г.В. О локализации городов Маргианы Парфянского времени // Проблемы истории, филологии, культуры. – М.: Изд-во Магнитогор. гос. ун-та, 2011. – Вып. 32. – С. 66.

3. Никоноров В.П. Маргиана и Мерв в античной историографии. // Мерв в древней и средневековой истории востока. – Ашхабад: Ылим, 1990. – С. 39–42.; Квинт Курций Руф. История Александра Македонского. С приложением сочинений Диодора, Юстина, Плутарха об Александре / Отв. Редактор А.А. Вигасин. – М.: МГУ, 1993. – С. 163–164.; Страбон География / пер. с др.-греч. Г. А. Стратановского под ред. О.О. Крюгера, общ. ред. С.Л. Утченко. – М.: Ладомир, 1994. – С. 487–488.; Аммиан Марцеллин. Римская история. / Пер. Ю. А. Кулаковского и А. И. Сонни. – М.: АСТ: Ладомир, 2005. – С 310–317.; Клавдий Птолемей. География (отрывки) // Древний Восток в античной и раннехристианской традиции (Индия, Китай, Юго-Восточная Азия) / Пер. и примеч. Г. А. Тароняна. — М.: Ладомир, 2007. – С. 508–509.

4. Хуэй-цзяо. Жизнеописания достойных монахов («Сы чао гао сэн чжуань») Пер. с китайского, исслед., коммент. и указатели М.Е. Ермакова: в 3-х т. – М.: Наука. ГРВЛ, 1991. – С. 102–107.

5. Ниязова М.С. Арабские источники о Мерве перед монгольским нашествием. // Мерв в древней и средневековой истории востока. – Ашхабад: Ылим, 1990. – С. 42–43.; Камалиддинов Ш.С. «Китаб ал-ансаб» Абу Са‘да ‘Абдалкарима ибн Мухаммада ас-Сам‘ани как источник по истории и истории культуры Средней Азии / Под ред. П.Г. Булгакова. – Ташкент: Фан, 1993. – С. 20–55.

6. Сарияниди В.И. Древности страны Маргуш. – Ашхабад: Ылим, 1990. – С. 5.; Сарияниди В.И. Маргуш. Тайна и правда великой культуры. – Ашхабад: Turkmendöwlethabarlary, 2008. – С. 33–35.

7. Ртвеладзе Э.В. Цивилизации, государства, культуры Центральной Азии. –Ташкент: Университет мировой экономики и дипломатии, 2005. – С. 18–19.

8. Кошеленко Г.А. Родина Парфян. – М.: Советский художник, 1977. – С. 14 – 21.; Ртвеладзе Э.В. Цивилизации, государства, культуры Центральной Азии. –Ташкент: Университет мировой экономики и дипломатии, 2005. – С. 18–19.

9. Массон М.Е. Из работ Южно-Туркменистанской археологической комплексной экспедиции Академии наук Туркменской ССР в 1962 году. // – Изв. АН ТуркмССР. Сер. обществ. наук, 1963. №3. – С. 51–56.

10. Koshelenko G. The beginning of Buddhism in Margiana. // *Acta Antiqua Academiae Scientiarum Hungaricae*. – Budapest. Akademiai Kiado, 1966. T XIV, Fasciculi I-2. – Pp. 175–185.

11. Усманова З.И. Раскопки в Мерве. // Археологические открытия 1971 года. – М.: 1972. – С. 537–538.; Усманова З.И., Ходжаниязов Т.Х. Раскопки в Старом Мерве. // Археологические открытия 1973 года. // М.: 1974. – С. 512–513.; Усманова З.И. Продолжение раскопок в Старом Мерве. // Археологические открытия 1974 года. // М.: 1975. – С. 530–531.; Усманова З.И., Дресвянская Г.Я. Раскопки на городищах Старого Мерва. // Археологические открытия 1975 года. // М.: 1976. – С. 553–554.; Усманова З.И. Раскопки буддийского памятника III–VI вв. в Мерве. // Успехи Среднеазиатской археологии. – Л.: Наука, 1979. Вып. 4. – С. 66–67.; Filanovič M.I., Usmanova Z.I. Les frontières occidentales de la diffusion du bouddhisme en Asie centrale. // *Cahiers d'Asie centrale*. 1996. T. 1-2. Pp. 185–201.

12. Koshelenko G. The beginning of Buddhism in Margiana. // *Acta Antiqua Academiae Scientiarum Hungaricae*. – Budapest. Akademiai Kiado, 1966. T XIV, Fasciculi I-2. – P. 175–176.

13. Кошеленко Г.А. Исследования буддийских памятников в Мерве. // Древние культуры Средней Азии и Индии. – Л.: Наука, 1984. – С. 137.

14. Усманова З.И., Филанович М.И., Кошеленко Г.А. Маргиана. // Древнейшие государства Кавказа и Средней Азии. – М.: Наука, 1985. – С. 234

15. Усманова З.И. Раскопки буддийского памятника III–VI вв. в Мерве. // Успехи Среднеазиатской археологии. – Л.: Наука, 1979. Вып. 4. – С. 66.

16. Пугаченкова Г.А., Усманова З.И. Буддийский комплекс в Гяур-кале Старого Мерва. // ВДИ. – М., 1994. №1(208). – С. 144.

17. Пугаченкова Г.А., Усманова З.И. Буддийский комплекс в Гяур-кале Старого Мерва. // ВДИ. – М., 1994. №1(208). – С. 144.

18. Пугаченкова Г.А., Усманова З.И. Буддийский комплекс в Гяур-кале Старого Мерва. // ВДИ. – М., 1994. №1(208). – С. 144–150.

19. Пугаченкова Г.А., Усманова З.И. Буддийский комплекс в Гяур-кале Старого Мерва. // ВДИ. – М., 1994. №1(208). – С. 150.

20. Усманова З.И. Раскопки буддийского памятника III–VI вв. в Мерве. // Успехи Среднеазиатской археологии. – Л.: Наука, 1979. Вып. 4. – С. 67.

21. Пугаченкова Г.А. Искусство Туркменистана. – М.: Искусство, 1967. – С. 52–53.; Усманова З.И. Раскопки в Мерве. // Археологические открытия 1971 года. – М.: 1972. – С. 537–538.; Кошеленко Г.А. Исследования

буддийских памятников в Мерве. // Древние культуры Средней Азии и Индии. – Л.: Наука, 1984. – С. 138.

22. Кошеленко Г.А. Уникальная ваза из Мерва. // ВДИ. – М., 1966. №1(92). – С. 92–105.; Кошеленко Г.А. Исследования буддийских памятников в Мерве. // Древние культуры Средней Азии и Индии. – Л.: Наука, 1984. – С. 139.; Кошеленко Г.А. Судьба буддизма в Мерве (О некоторых аргументах в дискуссии). // Проблемы истории, филологии, культуры. – Магнитогорск: МДП., 2013. № 4 (42). – С. 192.

23. Кошеленко Г.А. Уникальная ваза из Мерва. // ВДИ. – М., 1966. №1(92). – С. 104–105.

24. Пугаченкова Г.А., Усманова З.И. Буддийский комплекс в Гяур-кале Старого Мерва. // ВДИ. – М., 1994. №1(208). – С. 150.

25. Усманова З.И. Раскопки в Мерве. // Археологические открытия 1971 года. – М.: 1972. – С. 537–538.; Пугаченкова Г.А., Усманова З.И. Буддийский комплекс в Гяур-кале Старого Мерва. // ВДИ. – М., 1994. №1(208). – С. 163.

26. Усманова З.И. Раскопки в Мерве. // Археологические открытия 1971 года. – М.: 1972. – С. 537–538.; Усманова З.И. Раскопки буддийского памятника III–VI вв. в Мерве. // Успехи Среднеазиатской археологии. – Л.: Наука, 1979. Вып. 4. – С. 67.; Пугаченкова Г.А., Усманова З.И. Буддийский комплекс в Гяур-кале Старого Мерва. // ВДИ. – М., 1994. №1(208). – С. 164.

27. Ртвеладзе Э.В. Новый буддийский памятник в Старом Мерве // Труды ЮТАКЭ. – Ашхабад: Т. XV. 1974. – С. 231–235.; Кошеленко Г.А. Судьба буддизма в Мерве (О некоторых аргументах в дискуссии). // Проблемы истории, филологии, культуры. – Магнитогорск: МДП., 2013. № 4 (42). – С. 192–193. ; Пугаченкова Г.А., Усманова З.И. Буддийский комплекс в Гяур-кале Старого Мерва. // ВДИ. – М., 1994. №1(208). – С. 170–171.

28. Воробьева-Десятовская М.И., Темкин Э. Индийские рукописи в Туркмении. // Наука и жизнь. 1966. №1. – С. 26.

29. Воробьева-Десятовская М.И. Рукописная книга в культуре Индии. // Культура народов Востока. –М.: Наука, 1988. – С. 33–34.

30. Воробьева-Десятовская М.И. Санскритская Трипитака в свете палеографических исследований 1920-2000-х гг. // Пятые востоковедные чтения памяти О. О. Розенберга. Труды участников научной конференции. – СПб.: Издательство А. Голода, 2012. – С. 91.

31. Воробьева-Десятовская М.И. Памятники письмом кхароштки и брахми из советской Средней Азии. // История и культура Центральной Азии. – М.: Наука, 1983. – С. 23–24.

32. Альбаум Л.И. Письменность из замка Зангтепе. // ОНУ. – Ташкент: 1963. № 2. – С.58–61; Воробьева-Десятовская М.И. Памятники индийской

письменности из Средней Азии. / Индия в древности. – М.: ГРВЛ. 1964. – С. 210–218.

33. Кошеленко Г.А. Уникальная ваза из Мерва. // ВДИ. – М., 1966. №1(92). – С.92.; Ртвеладзе Э.В. Новый буддийский памятник в Старом Мерве // Труды ЮТАКЭ. – Ашхабад: Т. XV. 1974. – С. 231.

34. Литвинский Б.А., Соловьев В.С. Средневековая культура Тохаристана: в свете раскопок в Вахшской долине. – М.: Наука, 1985. – 143.

35. Воробьева-Десятовская М.И. Рукописная книга в культуре Индии. // Культура народов Востока. – М.: Наука, 1988. – С. 34.

36. Воробьева-Десятовская М.И. Памятники письмом кхароштки и брахми из советской Средней Азии. // История и культура Центральной Азии. – М.: Наука, 1983. – С. 64–65; 68–69.; Воробьева-Десятовская М.И. Рукописная книга в культуре Индии. // Культура народов Востока. – М.: Наука, 1988. – С. 33–34.; Воробьева-Десятовская М.И. К вопросу о догматике раннего буддизма. // Письменные памятники Востока. – М.: Наука, 2006. №2(5). – С. 115–116.; Воробьева-Десятовская М.И. Санскритская Трипитака в свете палеографических исследований 1920-2000-х гг. // Пятые востоковедные чтения памяти О. О. Розенберга. Труды участников научной конференции. – СПб.: Издательство А. Голода, 2012. – С. 91–94.

Аннаев Ж.Т.

д.ф.и.н. (PhD), доцент

Национальный университет Узбекистана

jaloliddinannaev@gmail.com

ИЗУЧЕНИЕ БУДДИЙСКИХ ПАМЯТНИКОВ И ОБРАЗЦОВ ИСКУССТВА МАРГИАНЫ

АННОТАЦИЯ

Буддизм в Маргиане в древности являлся важной частью идеологической жизни региона. Археологические исследования, проведенные на территории Маргианы, особенно в таких крупных центрах, как Мерв, выявили буддийские монастыри, ступы, статуи Будды, произведения искусства и образцы древнеиндийской письменности. Эти находки имеют ключевое значение для понимания истории распространения и развития буддизма в Средней Азии. Изучение распространения буддизма в Маргиане и строительства связанных с ним культовых сооружений стало возможным благодаря исследованиям сотрудников ЮТАКЭ под руководством М.Е. Массона.

В статье анализируются исследования истории буддизма в Маргиане, проведённые такими учёными, как М.Е. Массон, Г.А. Пугаченкова, З.И. Усманова, М.И. Филанович, Г.А. Кошеленко, Э.В. Ртвеладзе, М.И. Воробьева-Десятовская и другими специалистами. Основываясь на этих исследованиях, рассмотрены процессы распространения буддизма в регионе, особенности архитектурной структуры буддийских памятников, их датировка, описание монументальных и малых форм искусства на буддийскую тематику, а также анализ образцов древнеиндийской письменности.

Ключевые слова: Маргиана, Мерв, Байрам-Али, ЮТАКЭ, Гяур-кала, монастырь, ступа, буддизм, культурные связи, кхароштни, брахми, санскрит, сарвастивада.

Annaev J.T.

PhD in history., associate professor

National University of Uzbekistan

jaloliddinannaev@gmail.com

RESEARCH ON BUDDHIST MONUMENTS AND ARTISTIC EXAMPLES OF MARGIANA

ABSTRACT

Buddhism in ancient Margiana was a significant part of the region's ideological life. Archaeological studies conducted in the area of Margiana, particularly in major centers like Merv, have revealed Buddhist monasteries, stupas, Buddha statues, artworks, and examples of ancient Indian scripts. These findings are of key importance for understanding the history of the spread and development of Buddhism in Central Asia. The study of the spread of Buddhism in Margiana and the construction of associated religious structures was made possible through the research of the YuTAKE team led by M.E. Masson.

The article analyzes the research on the history of Buddhism in Margiana conducted by scholars such as M.E. Masson, G.A. Pugachenkova, Z.I. Usmanova, M.I. Filanovich, G.A. Koshelenko, E.V. Rtveladze, M.I. Vorobyeva-Desyatovskaya, and other specialists. Based on these studies, the article explores the processes of Buddhism's spread in the region, the architectural features of Buddhist monuments, their dating, descriptions of monumental and small-scale Buddhist art, as well as the analysis of examples of ancient Indian scripts.

Keywords: Margiana, Merv, Bayram-Ali, YuTAKE, Gyaur-Kala, monastery, stupa, Buddhism, cultural relations, Kharoshthi, Brahmi, Sanskrit, Sarvastivada.